

# Инсон ва қонун

2021 йил 2 ноябрь  
сешанба  
№ 44 (1300)

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz



ЕТТИ ЙИЛЛИК МУАММОНИНГ  
САБАБИ НИМА ЭДИ? 3-БЕТ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИДА  
ҚАЙСИ ХИЗМАТ ТУРИГА ТАЛАБ ЮҚОРИ? 4-БЕТ

УЙ-ЖОЙГА НИСБАТАН  
МУЛК ҲУҚУҚИ 5-БЕТ

## БОЛАНИНГ АЙБИ НИМА?

— БОЛАМ, оёғингдан сув ўтибдими, пайпоғинг нам бўлибди...

Ёмғирда ивиб, йўталганича уйга кириб келган ўлига қараб, Насибанинг ичига чироқ ёқса, ёришмайди. Дарди ичида, ота уйига қайтиб келганига ҳам оз эмас, беш йил бўлди. Бу орада эшигига уни сўраб, қанча жойдан келишди, ўғлимни ўз отаси унутган, бегона унга оталик қилармиди, деб ҳаётдан кўнгли совиган аёл бошқа оила қурмади.

Шу орада аввал отаси, кейин онаси оламдан ўтишди, кичик ўқасининг уйига ҳам сиймай, шу йил баҳорда ижара уйга кўчиб ўтди... Аёл боши билан топганини нимага етказсин, ижарага тўласинми, рўзгорнинг камига яратсинми... Кўзининг оқу қораси — шу ўли. Бор ўмиди шундан. Ўтган ойлигидан оёғига бирор нима олиб берарман, деганди, рўзгордан орттириб, боласига ақалли янги туфли ҳам олиб бера олмади. Эрта-индин ойлик маоши чиқса... олишади... Алимент пулидан эса, дарак йўқ. Ҳар галгидай, иш судгача борди яна...

4-БЕТ

СИРДАРЁ

Таъмирлаш ишлари бажарилди, тўлов эса...

3-БЕТ



Шоҳидахон Юлдашева,  
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи



“Бировга ёқадими-ёқмайдими, оммавий ахборот воситалари менга ёқади. Нимага? Улар ҳам замон билан бирга, Ўзбекистон билан бирга ўзгармоқда. Улар ҳам замонга муносиб бўлиб, адолат нуқтаи назаридан мақолалар чиқаряпти...”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

“ИНСОН ВА ҚОНУН”  
ГАЗЕТАСИ – БИЗНИНГ  
МИНЪАРИМИЗ!

АДЛИЯ ТИЗИМИ ЎЗ НАШРИНИ ҲАР  
ДОИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ!



**МУЗЛАТИЛГАН БАЛИҚ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ**

“ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, 2021 йил 10 октябрдан 31 декабргача бўлган даврда гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинadиган маҳсулотларни, картошкани ҳамда музлатилган балиқни реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни Ўзбекистонга олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

**БОЖХОНА БОЖИ НОЛЬ СТАВКАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ**

“Рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарорига кўра, 2024 йил 1 январгача, жумладан, қўйидаги айрим турдаги хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларга импорт божхона божи “ноль” ставкада қўлланилади:

- сунъий мўйна;
- зигирпоя толасидан тўқилган газламалар;
- сунъий толалардан тайёрланган газламалар;
- шиша иплар;
- шиша толали матолар ва бошқалар.

**ҲУЖЖАТЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИЛАДИ**

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарорига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилади. Бунда:

- амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар босқич-ма-босқич тўлиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома (чеклист) тўлдирилиб, лойиҳа қабул қилингунигача бўлган босқичларда унга илова қилинади;
- чеклист тўлдирилмаган лойиҳалар адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайди ва ишлаб чиқувчига қайтарилди;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида аниқланган коррупциявий омиллар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб

# ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



белгиланади. Қарорга кўра, 2021 йилда амалдаги 190 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади.

2022 йил 1 январдан илмий ташкилотлар ва ОТМ вакиллари ҳамда жисмоний шахслар — мустақил экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиши мумкин.

Экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хулосалар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий кўриб чиқилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолияти ҳар олти ой якунида баҳоланади.

Шунга кўра, ходимларни лавозим маошларининг 100 фоизи миқдоридан бир марталик пул маблағлари бериш орқали рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий жазо қўллаш бўйича чоралар кўрилади.

Қарор билан, шунингдек, қўрилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартафоз этиш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.



**СУГУРТАНИНГ БАРЧА ТУРИНИ ЭЛЕКТРОН АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН**

“Сугурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт сугуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарорига мувофиқ, 2022 йил 1 июлдан сугуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилди.

2023 йил 1 январдан мажбурий сугуртанинг барча турлари бўйича сугурта полисларини қозғ бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади.

2022 йил 1 январдан 2025 йил 1 январгача ҳаёт сугуртаси соҳасидаги сугурта ташкилотларининг мазкур фаолияти қисми учун ҳисобланадиган фойда солиғи бўйича белгиланган солиқ

ставкаси 50 фоизга камайтирилади.

2022 йил 1 январдан 2024 йил 1 январгача иш берувчи томонидан ўз ходимлари учун бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт сугурта қилиш ва тиббий сугурта турлари бўйича тузилган сугурта шартномалари асосида Ўзбекистонда сугурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтирилаётган маблағлар жисмоний шахсларнинг жами даромади сифатида қаралмайди.

2022 йил 1 июнгача транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича ягона ахборот тизими негизда барча сугурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилади.

Сугурта шартномаларини Ягона ахборот тизими орқали расмийлаштириш сугурта ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

2022 йил 1 июлдан инфляцияга боғланган давлат қимматли қозғалари чиқарилади.

**ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МУҲИМ!**

“Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютاداги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юқини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарорига кўра, банклардан хорижий валютада олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда амалдаги компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорларнинг эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитларнинг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоиздан кўп бўлмаган қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тақдим этилади.

2021 йил 1 ноябрдан Ўзбекистон номидан чет эл валютасида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинган кредитлар (қарзлар) лойиҳада иштирок этувчи молия ташкилотларига 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ёки улар жалб қилинган муддатга қайта кредитланади.

**БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ҚАНДАЙ ТАЙИНЛАНАДИ?**

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий

ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, ишловчи оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бундан мустасно) бола 2 ёшга етгунча уни парваришлаш учун бериладиган ҳар ойлик нафақани олиш муддати тугаганидан сўнг болалар нафақасини олиши мумкин.

Болалар нафақаси оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб тайинланади.

Болалар нафақаси 12 ой муддатга тайинланади, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича 18 ёшга тўлган ойинг охиригача тўланади.

Моддий ёрдам болаларлар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта оилаларга ва яққа-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади.

- Оила:
- 2021 йил 1 сентябрдан — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад 440 минг сўмдан ошмаганда;
  - 2022 йилдан бошлаб — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда кам таъминланган деб эътироф этилади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тегишли аризаларга асосан “Ягона реестр” ахборот тизими орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади.

Ҳар бир оила томонидан ариза топшириш ва “Ягона реестр” ахборот тизимига киритиш бир ойда бир марта амалга оширилади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам ариза берувчи мурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Қарорга кўра, 2022 йил мартгача жисмоний шахсларнинг дала томорқа ер майдонлари рўйхати шакллантирилиб, тегишли маълумотлар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига тақдим этиб борилади.



**“ОНЛАЙН-НАВБАТ” АСОСИДА УЙ БЕРИЛАДИ**

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги

низомга кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар вилоят ҳокимликлари томонидан бозордаги кўп квартирали уйлардан ажратилади.

Бунда ўқув-тарбия муассасалари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни муассасада бўлиш муддати тугашидан бир йил аввал уй-жойга муҳтож сифатида “онлайн-навбат”га киритиб боради.

Болаларга 18 ёшга тўлган йилда:

- кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали;
- воёга етган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади.

Уй-жойлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи асосида, бироқ 30 ёшга тўлгунгача уни сотиш ҳуқуқисиз берилди.

Низомга кўра, уй-жойлар туман ҳокимлиги томонидан ажратилиб, яшаш учун барча зарур шароитларга эга ҳолда топширилади.

Уй-жой билан таъминланиш ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳар ойда янгиланади ва Халқ таълими вазирлиги расмий веб-сайтида жойлаштириб борилади.

Уй-жой бериш тўғрисидаги қарор асосида туман (шаҳар) ҳокимлиги ордери берида ва ушбу ордер берилган уй-жойга кўчиб кириш учун асос ҳисобланади.

Ордерлар “онлайн-навбат” ахборот тизимидаги қатъий кетма-кетлик асосида берилди.

Уй-жой ордери берилган кундан 10 кундан кечикмай нотариал расмийлаштирилади.

Қарорга кўра, шунингдек, 2022 йил 1 январдан:

- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга муҳтожлиги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқланади;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олиш “Васийлик ва ҳомийлик” электрон платформаси орқали онлайн мурожаатта асосан амалга оширилади.

Лобар РОЗИМОВА, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими



СИРДАРЁ

# Таъмирлаш ишлари бажарилди, тўлов эса...

"СИРДАРЁ таъмирлаш-тиклаш" давлат унитар корхонаси Сирдарё туман филиали ҳамда "Боёвутлик Ислонбек транс" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 22 сентябрда капитал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича субпудрат шартномасига асосан ҳуқуқий муносабатга киришган.

Шартномага кўра, бош пудратчи — "Сирдарё таъмирлаш-тиклаш" ДУКнинг буюртмасига асосан субпудратчи — "Боёвутлик Ислонбек транс" МЧЖ томонидан Ховос туман "Кўкаламзор" кўчасидаги кўп қаватли уйларда 493 миллион 188 минг 521 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бош пудратчи субпудратчининг ҳисоб рақамига 361 миллион 709 минг 59 сўм маблағни ўтказиб берди. Қолган 131 миллион 479 минг 462 сўм эса 2019 йил ноябрь ойидан буён тўланмаган. Бош пудратчи номига МЧЖ томонидан қарздорликни тўлаб бериш тўғрисида юборилган талабнома оқибатсиз қолдирилган.

Шундан сўнг МЧЖ раҳбари қарздорликни ундиришда амалий ёрдам сўраб, Боёвут туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаатни ўрганиш давомида МЧЖ шартнома шартлари ва лойиҳа смета ҳужжатларида назарда тутилган пудрат ишларини ўз муддатида бажарганлиги, бу ҳақда тарафлар ўртасида далолатномалар ҳамда бажарилган ишлар қиймати тўғрисида ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилганлиги маълум бўлди.

Фуқаролик кодексининг 673-моддасига кўра, буюртмачи бажарувчининг бажарган иши учун сметада назарда тутилган миқдорда, қонун ёки қурилиш пудрати шартномасида белгиланган муддатда ҳақ тўлайди.

Адлия бўлими томонидан Оқолтин туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан Сирдарё таъмирлаш-тиклаш" давлат унитар корхонасидан "Боёвутлик Ислонбек транс" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 131 миллион 479 минг 462 сўм асосий қарз, 3 миллион сўм пеня ундирилиши тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди.

Атабек ХАЛМАТОВ,  
Боёвут туман адлия бўлим бошлиғи

САМАРҚАНД

# БОШ ҲИСОБЧИ ИШ ҲАҚИНИ ОПОЛМАГАН ДАН НОРОЗИ



"ТАЪМИРЛАШ тиклаш хизмати" давлат унитар корхонаси Каттакўрғон шаҳар бўлими бош ҳисобчиси Т.Сашнева шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилиб, ушбу корхона томонидан тўланмасдан келинаётган иш ҳақининг тўлаб берилишида амалий ёрдам сўраган.

Мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида бош ҳисобчи Т.Сашнева билан биргалликда корхонанинг жами 16 нафар ходимига 179 миллион 944 минг 884 сўм миқдордаги иш ҳақи тўланмасдан келинганлиги аниқланди ва фуқаролик ишлари бўйича Каттакўрғон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Каттакўрғон туманлараро судининг 2021 йил 14 октябрдаги суд буйруғига асосан "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУК Каттакўрғон шаҳар филиали зиммасига корхонанинг 16 нафар ходимига тўланмаган 179 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақларини тўлаб бериш мажбурияти юклатилди.

Фарҳод ЗАРИФОВ,  
Каттакўрғон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

БУХОРО

# ЕТИМНИНГ ҲАҚКИ...

ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА биноан, вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шунга кўра, Ромитан туманида яшовчи фуқаро У.Муродов Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ромитан туман бўлимига мурожаат қилиб, вояга етмаган фарзандларининг онаси вафот этганлиги сабабли боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлашни сўраган, бироқ ташкилот

томонидан марҳума билан ўрталарида никоҳ гувоҳномаси йўқлиги важ қилиниб, пенсия тайинланмаган.


Шундан сўнг фуқаро туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, мазкур муаммони ечишда амалий ёрдам сўраган.

Адлия бўлими Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими ҳаракатларини тайинловчи деб топиб, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлаш мажбуриятини юклаш тўғрисида Бухоро туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритган, суднинг қарорига асосан пенсия жамғармаси туман бўлими зиммасига У.Муродовнинг вояга етмаган фарзандларига нисбатан боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлаш мажбурияти юкланди.

Шухрат ҚОДИРОВ,  
Ромитан тумани адлия бўлими бошлиғи

БУХОРО

# Ноқонуний буйруқ бекор қилинди



ФУҚАРО Қ.Н. Когон шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилиб, шаҳардаги 12-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлигидан норозилигини маълум қилган.

Мурожаат адлия ходимлари томонидан қонун доирасида ўрганилганда, жорий йилнинг 9 сентябрдаги меҳнат шартномаси ходимнинг ўз ихтиёри билан ёзган аризасига биноан Меҳнат кодексининг 99-моддаси асосида ташкилот раҳбарининг 2021 йил 9 сентябрдаги буйруғига асосан бекор қилинганлиги, бироқ у жорий йилнинг 14 сентябрда ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини қайтариб олмоқчи бўлганида, ташкилот раҳбари томонидан рад этилиб, меҳнат

қонунчилиги талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланди.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 99-моддасида ходим ноумайият муддатта тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли эканлиги, огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли эканлиги, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шартлиги, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамайдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкинлиги, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда ту-

тилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақли эканлиги, агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотиши, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, меҳнат шартномаси ташкилот директорининг 9 сентябрдаги буйруғига асосан бекор қилинган бўлсада, мурожаат муаллифига меҳнат дафтарчаси буйруқ чиқарилган санадан 5 кун ўтказиб,

14 сентябрда берилган аммо унга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси берилмаган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 108-моддасида меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шартлиги белгиланган.

Шунга кўра, Когон шаҳар адлия бўлими томонидан шаҳардаги 12-давлат мактабгача таълим ташкилотига тақдимнома киритилиб, ноқонуний буйруқ бекор қилиниб, мурожаат муаллифи қайта ишга тикланди.

Мурод ҒУЛОМОВ,  
Когон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ЖИЗЗАХ

# ЕТТИ ЙИЛЛИК МУАММОНИНГ САБАБИ НИМА ЭДИ?



БОЛАНИНГ туғилишини қайд этиш мажбурий. Бу жараён бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ бўлимида амалга оширилади. Туғилганлик ҳақидаги ариза билан бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиш мумкин. Агар бола республика ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса, уни рўйхатга қўйиш Ўзбекистоннинг ўша мамлакатдаги консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади. Бола туғилганлиги ҳақидаги ариза ота-онанинг ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, қўшнилари, тиббиёт муассасалари маъмурияти, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилиши мумкин.

Туғилганликни қайд этиш учун тиббиёт муассасасининг бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-онанинг паспорти ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома ёки оталиқни белгилаш ҳақидаги ариза ёхуд никоҳда бўлмаган онанинг аризаси тақдим этилади. Мана шундай қонуний ҳаракатлардан хабари бўлмаган арнесойлик Д.Болиева 2014 йил 12 август кун Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги 7-сон туғуруқ комплексидан туғилган фарзандига туман адлия бўлими аралашмагунча туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ололмади.

Ҳужжатсиз бола учун нафақа олишда, фуқароликни белгилашда, уни боғчага, мактабга беришда муаммолар, оворагарчиликларга сабаб бўлиши табиий. Д.Болиева ҳам айнан ана шундай муаммоларга дуч келиб туман адлия бўлимидан ёрдам сўради.

Адлия бўлими томонидан мазкур мурожаат ўрганилиб, Тошкент шаҳар солиқни сақлаш бош бошқармасининг 7-сон туғуруқ комплексидан 2021 йил 12 сентябрда олинган маълумотномага асосан Арнасой туман ФХДЁ бўлими томонидан Ф.Рўзиёва номига 2021 йил 16 сентябрда туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштирилди. Етти йиллик муаммо ҳал этилди.

Қизлархон САИДОВА,  
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ДАВЛАТ хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси ташаббуси билан жойларда тизимли равишда сайёр қабуллар ўтказилиб, фуқароларга қулай вақт ва манзилларда давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИДА ҚАЙСИ ХИЗМАТ ТУРИГА ТАЛАБ ЮҚОРИ?



“Ўзимиз келдик!” лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган бу каби тадбирлар вилоятнинг чекка, марказдан олисда жойлашган ҳудудларини қамраб олаётганлиги билан аҳамиятлидир. Махсус жиҳозланган мобил офисларда фуқароларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Бунда фуқаролар яшаш манзилида туриб, 160 дан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланишлари, шунингдек, мутахассислардан ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан бепул ҳуқуқий маслаҳат олишлари мумкинлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

— Анчадан буён кадастр, ФХДЭ соҳаси билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат хизматларига эҳтиёж сезаётганим, — дейди Каттакўрғон тумани “Бого” маҳалласида истиқомат қилувчи Н.Мухторова. — Сайёр хизмат вақтида нафақат шу, балки бошқа муаммоларим ҳам бир жойда ҳал бўлди. Нафақат мен, балки менга ўхшаган кўплаб кишлоқдошларимнинг мушқули осон бўлди.

Дарҳақиқат, 2021 йилнинг ўтган 9 ойида Давлат хизматлари марказлари томонидан вилоятимизнинг олис ҳудудлари ҳамда аҳоли гавжум жойларда 20 минг 188 та давлат хизматлари сайёр тартибда кўрсатилган. Жараёнда 914 та тadbirkorлик субъекти давлат рўйхатидан сайёр тарзда ўтган.

— Аттормик буюмлари савдосини йўлга қўйганман, — дейди тadbirkor Н.Муқимова. — Тadbirkorлик фаолиятини қонунийлаштириш борасида муаммоларим бор эди. — Марказ ходимлари бозорга келиб сайёр қабул ўтказишгани айна мурдао бўлди. Чунки ишим шу ернинг ўзида ҳал бўлиб, яқна тартибдаги тadbirkor сифатида давлат рўйхатидан ўтдим.

Сайёр тартибда кўрсатилган хизмат турлари таҳлил қилинганда болаларни давлат мактабига таълим ташкилотига жойлаштириш хизматига талаб юқорилиги аниқланди. Ушбу хизматдан ўтган даврда 3 минг 84 маротаба фойдаланилган. Ундан кейинги ўринларда фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш (1 минг 763 та) ҳамда 20 кВтдан юқори бўлмаган электр тармоқларига уланиш (460 та) хизматлари жой олган.

Жойларда ташкил этилаётган бу каби тадбирларда давлат хизматларини тақдим этиш билан бирга, аҳолининг хизматлардан онлайн фойдаланиши буйича маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда. Бир томондан хизматларни масофадан олиш тартиби аҳолига қулайлик яратса, бошқа томондан марказларда узундан-узоқ навбатлар пайдо бўлишининг олди олинмоқда.

ДХА Самарқанд вилоят бошқармаси  
 Ахборот хизмати

Шу орада аввал отаси, кейин онаси оламдан ўттиди, кичик укасининг уйига ҳам сизгамай, шу йил баҳорда ижара уйга кўчиб ўтди... Аёл боши билан топганини нимага етказсин, ижарага тўласинми, рўзгорнинг камига яратсинми... Кўзининг оку қораси — шу ўғли. Бор умиди шундан. Ўтган ойлигидан оёғига бирор нима олиб берарман, деганди, рўзгордан орттириб, боласига акалли янги туфли ҳам олиб бера олмади. Эрта-индин ойлик маоши чиқса... олишади... Алимент пулидан эса, дарак йўқ. Ҳар галгидай, иш судгача борди яна...

Халқимиз “Болали уй бозор...” дейди. Бу гап бекорга айтилмаган, албатта. Бир болага етти қўшни ота-онадир бизда. Аммо... аммо, ҳеч бир инсоннинг ҳаёти бир йўсинда ўтмайди. Умрнинг нотекис йўлларига баъзан инсон қоқилади, адашади, бахтини, оиласини йўқотади. Оилавий ажримлар сабаб никоҳ бекор қилиниб, ўзаро ришталар узилиши, оилалар барбод бўлиши хоҳлари ҳам учраб туради ҳаётда. Бундай пайтда фарзандлар ҳаёти қандай бўлади? Уларнинг моддий таъминоти? Никоҳ ва оила масаласи қонунчилигимизда етарлича эътиборга олинган, албатта.

Айрим оталар фарзандлари борлигини ҳам унутиб, қандай бўлмасин алимент тўламаслик чораларини ўйлаб топишмоқда. Баъзилар алимент тўлашдан қасддан бўйин товласа, бошқалари ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадини камайтириб кўрсатиш орқали тўланадиган алимент миқдорини камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Ваҳолаки, қонунчилигимизда буларнинг барчаси ҳуқуқий тартибга солинган. Алимент тўловчилар қонунида белгиланган муддатларда моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаганини, яъни уни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан тўламаганини учун уларга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси тегишли бандлари билан жиноят иши қўзғатилади.

Алимент пулини тўламаган, таъбир жоиз бўлса, тўлашни “унутиб” юборганлар рўйхатига қўз ташласа, уларнинг таржимаи ҳоли билан танишга, муаммонинг сабаби ўз-ўзидан аён бўлади-қолади! Ҳеч касерда ишлаймайдиган алимент тўловчи алимент пулини қайдан тўласин?! Ёки судланган, озодликка чиқиб ҳам, бундан ҳулоса чиқармай, соғлом ҳаётга қайтмаган ота собик оиласининг келажиги хақида қайгуришни ўйлармикин, деган ҳақли саволлар туғилади.

Бирок, рўйхатдагиларнинг ҳаммаси ҳам ишсиз ёки судланган эмас-ку! Масалан, қарздор Рашид Носиров (исм-шарифлар ўзгартрилган) бир нафар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун ҳар ойда алимент тўлаши зарур бўлган, аммо алимент пули тўланмай, оилар ўтгани сайин миқдори ортиб, йнгилиб-йнгилиб, салкам саккиз миллион сўмни ташкил қилган. Қарздор алимент қарзини белгиланган муддатда тўламаган тақдирда жиний жавобгарликка тортилиши тўғрисида расман огоҳлантирилган, тегишли тушунтириш хати олинган бўлишига қарамастан, ахвол ўзгармаган.

Ёки яна бир шунга ўхшаш ҳолат — Анвар Самадов вояга етмаган фарзанди учун 40 ой мобайнида алимент тўламай, хотиржам юрган. Алимент миқдори эса, бутунга келиб, оз эмас, 10 миллион сўмдан ортган. Ваҳолаки, зиммасидаги мажбуриятини ҳар ойда адо этиб борса, шунча гап-сўз оворагарчилик, суднинг аралашувига ҳожат ҳам йўқ эди.

Фарзандига алимент тўлаш мажбуриятини “унутган” Маҳмуд Набиевга нисбатан алимент масаласида жиний иш қўзғатилиб, 2 йил муддатга ахлоқий тузаотиш ишлари жазоси қўланилган бўлса-да, барибир натижа ижобий бўлмаган. Эндиликда у тўлайдиган алимент пули миқдори ҳам 5 миллион сўмдан кам эмас.

Зоир Беғалиев эса, собик оиласидаги бир нафар фарзандига салкам 6 миллион сўм алимент тўлаши керак...

Мақолада келтирилган рақамлар ортида бориға қаноат қилиб, онаси-

# БОЛАНИНГ АЙБИ НИМА?

— БОЛАМ, оёгингдан сув ўтибдим, пайпогинг нам бўлибди...

Ёмғирда ивиб, йўталганича уйга кириб келган ўғлига қараб, Насибанинг ичига чироқ ёқса, ёришмайди. Дарди ичида, ота уйига қайтиб келганига ҳам оз эмас, беш йил бўлди. Бу орада эшигига уни сўраб, қанча жойдан келишди, ўғлимни ўз отаси унутган, бегона унга оталик қилармиди, деб ҳаётдан кўнгли совиған аёл бошқа оила қурмади.



нинг, тоға-ю, холасининг қўлига қараб, тенгдошлари ичиде қисиниб, кимгиниб вояга етаётган гўдакларнинг ош-овкати, уст-боши деган масалалар кўндаланг турганини ҳисобга олсак, кечиктириб тўланган, ундириб берилган алимент пуллари уларнинг уйига бахт хушхабарини олиб қирмайди, барибир! Фақат улар “отажон, алиментни қачон тўлайсиз?” деб айта олмайдилар.

Моддий таъминоти етарли бўлишига қарамай, алимент пулини тўлашни “унутганлар” ҳам талайгина. Чойхонани, ул-фатчиликини, сўнгги русумдаги телефону машинани ўзига эп қўрган оталар орасида пушти камаридан бўлган боласининг таъминотиға келганда индамай қоладиганлар ҳам кам эмас! Шу жиҳатдан қараганда, ўз боласига огриниб ёки мажбуриятдан моддий кўмак бераётган алимент тўловчилар виждонлари олдида қандай жавоб беришаркин?

Одатда, турмуши дарз кетиб, оилавий ажримдан сўнг фарзанди тарбияси билан машғул она “оғзи қуйган” катикниям пуфлаб ичиде, қабилида иш тутиб, оила қурмай қўя қолади. Аёл оила қурган тақдирда ҳам, ота вояга етмаган фарзандига алимент тўлаш мажбуриятини йўқотмайди. Боши очик “йнгит” эса, дарров уйланади. Қарасизки, бирин-кетин янги оиласидан фарзанди ҳам бўлади. Аввалги оиласидан икки нафар, кейинги оиласидан икки нафар вояга етмаган фарзанди бор отанин ойлик маоши энди иккига бўлинади! Табиийки, оиланиннг бир қисмини тўлаб бораётган ота ишдан бўшатилса ёки вақтинча бўлса-да, ишсиз бўлса, янги рўзгоридан орттириб, алимент пулини қайдан тўласин?!

Бирок, бутунги қунда кичик бизнес ёки тadbirkorлик ишини йўлга қўйган, даромади етарли, бир сўз билан айтганда, алимент пулини тўлашга қурби етадиган оталар ҳам борки, уларнинг йиллаб алимент тўлашдан бўйинговлаб келаётганига нима дейсиз?! Балки, бунга аллақачонлар девори дарз кетган собик оиласидаги унутиб бўлмас ички низолар, ёмон хотиралар ҳам сабабчидир. Лекин, қун сайин вояга етиб бораётган қорасида болада нима айб?! Унинг айби нотинч оилада туғилганими?

Вақти келса, боласининг ейиш-ичишдан ортиниб, топган пулиға ўғли ёки қизига кишки уст-бошини олишға келганда қурби етмай қолган аёлларни ҳам биламиз. Агар бола бир эмас, икки, уч, тўртта бўлса? Этагига осилган болаларни қўзи қиймаган, аввалги турмушдан кўнгли тўлмаган, кўнгли ҳам, руҳи ҳам синган аёл хар қанча мағрур, иродали бўлмасин, оила қурмағач, ёлғиз боши билан моддий

жиҳатдан қийналиб, ноиложликдан алимент олиш учун ариза ёзишға мажбур бўлади. Натижа эса, юқоридагидек...

Шу ўринда танганин кичкинчи томонига ҳам ҳолисона қараш ўринли, назаримда. Одатда, миллий менталитетимиздан келиб чиқибми, шароит тақозоси биланми, оилавий ажрим тўғрисида суд қарори чиқарилғач, айрим хоҳларни ис-тисно қилганда, деярли ҳамма қолталарда вояга етмаган фарзандлар онаси билан қолади. Демак, аксарият хоҳларда оталар алимент тўловчи бўлиб қолишади. Янги оила қуришға журъати ҳам, қурби ҳам етган оталарнинг наҳот, алимент тўлашға келганда, қурби етмаса?!

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида “Алимент қарздорлигини ундириш тартиби тақомиллаштирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Янги қонун лойиҳасига қўра, давлат ижроқисни ундирувчининг аризаси буйича ёки ўз ташаббуси билан алимент бўйича қарздор жисмоний шахсининг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришға ҳақли. Демак, мазкур қонун ҳужжати қабул қилинса, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 135-модда билан тўлдирилади. Мазкур моддаға қўра, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи вақтинча чекланган шахсларнинг бундай воситаларни бошқариши, худди шунингдек бошқариш ҳуқуқи чекланган шахсларға транспорт воситаларини бошқаришни топширилиши базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдориде жарима солишға сабаб бўлади.

Ўз ўрнида “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунға ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур Қонунға киритилаётган ўзгартиришларда алимент тўламаган қарздор жисмоний шахсининг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишини, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш, шунингдек, лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш назарда тутилган.

Алимент тўламаганларға нисбатан юқоридеги каби қатъий чоралар қўрилса, ўз мажбуриятини ҳис қилган алимент тўловчиларнинг фарзанди олдидаги масъулияти ортиб, оилавий ажримлар камайишидан умидвормиз.

Ўзбекининг боласи

**МАМЛАКАТИМИЗ  
қонунчилигига  
кўра, уй-жойга  
бўлган мулк ҳуқуқи  
билан боғлиқ маса-  
лалар Ўзбекистон  
Республикасининг  
Уй-жой, Фуқаро-  
лик кодекслари  
ва бошқа қонун  
ҳужжатлари билан  
тартибга солинади.**

**Ҳуқуқий маслаҳатхона**

# УЙ-ЖОЙГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ

*Кўпчилик газетхонлари-  
мизни уй-жойга нисбатан  
мулк ҳуқуқи, мерос маса-  
лаларининг ҳуқуқий ечими,  
айниқса, умрбод таъминлаш  
шарти билан уй-жойни  
бошқа шахсга бериш билан  
боғлиқ масалаларни ўрганиш  
қизиқтиради, албатта.  
Бундай пайтда эса, ҳаминша  
ҳуқуқшунос маслаҳатига  
эҳтиёж сезамиз.*

*Умрбод таъминлаш шар-  
ти билан уй-жой (квартир-  
рани) бошқа шахсга бериш  
масаласини қандай қонуний  
ҳал қилиш мумкин? Зағиота  
туманида ноатриу юришув-  
чи хусусий фирмаси Димфуза  
НОСИРОВА билан шу мавзу-  
да суҳбатладик.*

— Суҳбатимиз аввалда  
газетхонларимизга умрбод  
таъминлаш шарт билан  
уй-жой(квартира)ни бошқа  
шахсга бериш шартномаси  
хақида қисқача тushунча  
бериб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Республи-  
каси Уй-жой кодексининг  
14-бобда “Турар жойлар-  
дан умрбод фойдаланиш  
ҳуқуқи” белгиланган. Мазкур  
бобнинг 121-моддасида  
“Турар жойлардан умрбод  
фойдаланиш ҳуқуқининг  
вужудга келиш асослари”  
кўрсатиб ўтилган. Ушбу мод-  
дага кўра, турар жойлардан  
умрбод фойдаланиш ҳуқуқи  
қуйидаги ҳолларда вужудга  
келади: умрбод таъминлаш  
шарти билан уй, кварти-  
рани бошқа шахсга бериш  
шартномаси тузилганда ёки  
васият қилувчи турар жойга  
бўлган хусусий мулк ҳуқуқи  
ўтадиган меросхўр зиммаси-  
га ушбу турар жойни умрбод  
фойдаланиш учун учинчи  
шахсга бериш мажбуриятини  
юқлаган ҳолда мерос қилиб  
қолдириганда.

Умрбод таъминлаш шарт  
билан уй-жой ёки квартирани  
бошқа шахсга бериш ҳуқуқий  
жараён ҳисобланади. Шу  
боисдан ҳам бундай пайтда  
ҳар икки томон ўртасида  
шартнома имзоланиб, нота-  
риал тасдиқланган шарт.

Умрбод таъминлаш шарт  
билан уйни, квартирани  
бошқа шахсга бериш шарт-  
номасини тузиш, ўзгартириш  
ва бекор қилиш Ўзбекистон  
Республикасининг Фуқа-  
ролик кодексиде қондаларига

мувофиқ амалга оширилади.  
Мазкур кодекснинг 33-боби  
530–534-моддаларида бу  
ҳақда батафсил тushунча  
берилган.

Умрбод таъминлаш шарт  
билан уй-жой ёки квартирани  
бошқа шахсга бериш шарт-  
номасига мувофиқ бир тараф  
(олувчи), ёши ёки соғлиги  
туфайли меҳнатда лаёқатсиз  
бўлган бошқа тараф (бошқа  
шахсга берувчи)ни натура ҳо-  
лида (уй-жой бериш, овқат-  
лантириш, парвариплаш  
ва зарур ёрдам кўрсатиш  
тарзида) умрбод таъминлаш  
мажбуриятини олади. Бошқа  
шахсга берувчи эса, олувчига  
уй-жойни ёки квартирани  
мулк қилиб бериш мажбурият-  
тини олади.

— Умрбод таъминлаш  
шарти билан уй-жой ёки  
квартирани бошқа шахсга  
бериш шартномасида қан-  
дай шартлар кўрсатилганли-  
гидан? — Ушбу шартнома фақат-  
гина ёши ёки соғлиги туфай-  
ли меҳнатда лаёқатсиз шахс  
билан тузилиши мумкин.  
Унда бошқа шахсга берувчи-  
га қандай моддий таъминот  
турлари берилиши, уларнинг  
пул билан ифодаланган бир  
ойлик баҳоси, уй-жой ёки  
квартиранинг қиймати кўрса-  
тилиши шарт.

Бундан ташқари, та-  
рафларнинг ҳуқуқ ва  
мажбуриятлари, шартномага  
ўзгартириш киритилиши ёки  
бекор қилиниши, шартнома  
бўйича мажбуриятлар ворис-  
ларга ўтганлиги шартнома-  
нинг матнида кўрсатилади.

— Умрбод таъминлаш  
шарти билан уй-жой ёки  
квартирани бошқа шахсга  
бериш шартномасини  
ўзгартириш ва бекор қи-  
лишининг қандай ҳуқуқий  
асослари бор?

— Агар уй-жой (уйнинг  
бир қисми), квартирани олу-  
вчи умрбод таъминлаш шарт  
билан уй-жой (квартира)ни  
бошқа шахсга бериш шарт-  
номаси бўйича мажбуриятла-  
рини бажармаса ёки тегишли  
даражада бажармаса, бошқа  
шахсга берувчи таъминот-  
ни вақти-вақти билан ҳақ  
тарзида тўлаб туришга  
алмаштиришни талаб қи-  
лиши мумкин. Бундай пайтда  
шартномани бекор қилишни

талаб қилиш ҳоллари ҳам  
учраб туради.

Агар олувчининг моддий  
аҳволи ўзига боғлиқ бўлма-  
ган сабабларга кўра бошқа  
шахсга берувчига шартла-  
шилган таъминотни бера  
олмайдиган даражада ўзгарса  
ёки бошқа шахсга берувчи  
меҳнат қобилиятини тикласа,  
умрбод таъминлаш шарт  
билан уй-жой (квартира)ни  
бошқа шахсга бериш шарт-  
номаси олувчининг тала-  
бига кўра бекор қилиниши  
мумкин.

Юқорида назарда тутил-  
ган асослар бўйича шартнома  
бекор қилинган тақдирда уй  
(уйнинг бир қисми), кварти-  
ра бошқа шахсга берувчига  
қайтариллиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарт  
билан уй-жой (квартира)  
ни бошқа шахсга бериш  
шартномаси бошқа шахсга  
берувчининг талабига кўра  
бекор қилинган тақдирда  
олувчи шартнома амалда  
бўлган вақтда бошқа шахсга  
берувчининг таъминлаш ва  
уйни (уйнинг бир қисмини),  
квартирани сақлаб туриш-  
га қилган харажатларини  
қоплашни талаб қилишга  
ҳақли.

— **Васият мажбурият-  
ти бўйича турар жойдан  
фойдаланиш тартиби  
хақида ҳам тushунча бериб  
ўтсангиз?**

— Уй-жой кодексининг  
123-моддасига кўра, **васият  
қилувчи турар жой ўтадиган  
меросхўрга бу турар жой  
ёки унинг муайян қисмининг  
умрбод фойдаланиш учун  
учинчи шахсга бериш маж-  
буриятини юқлашга ҳақли.**  
Мазкур мажбурият нотариус  
томонидан меросга бўлган  
ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳно-  
мада ёзиб қўйилади.

Турар жойга бўлган мулк  
ҳуқуқи кейинчалик бошқа  
шахсга ўтганида ҳам умрбод  
фойдаланиш ҳуқуқи ўз қучи-  
да қолади.

Агар турар жойдан фой-  
даланиш тартиби васиятнома  
шартларига мос келмаса, та-  
рафлар ўртасидаги низо суд  
тартибиде ҳал қилинади.

**Суҳбатни “Инсон ва қонун”  
газетаси муҳбири  
Гулбахор  
ОРТИҚХЎЖАЕВА  
ёзиб олди.**

КОНФЕРЕНЦИЯ-  
ДА ҳақамлик суд-  
лари ассоциация-  
си вакиллари,  
фахрий аъзола-  
ри, ҳуқуқшунос-  
лар, адвокатлар  
ва ҳақамлик суди  
судьялари ҳамда  
журналистлар  
иштирок этишди.



## Иқтисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлар Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас!

Конференцияни Тошкент шаҳар Ҳа-  
қамлик суди раиси Улугбек Абдурахмонов  
кириш сўзи билан очиб, мустақил давлати-  
мизда ҳақамлик судларининг фаолияти ва  
дунё тажрибаси ҳақида гапириб ўтди.

Таъкидланганидек, бугун жаҳон амалиё-  
тида Ҳақамлик судларига эҳтиёж катта.  
Мамлакатимизда бундай судлар хизмати  
Европа давлатларидагидан анча арзон.  
Ривожланган давлатлар аҳолиси давлат суд-  
ларидан кўра Ҳақамлик судларига кўпроқ  
мурожаат қилади. Маърузачи бунинг биргина  
Сингапур тажрибаси мисолида шарҳлаб  
берди. Биргина 2019 йилда Сингапурда  
300 нафар фуқаро ва юридик шахслар  
давлат судларига мурожаат қилган бўлса,  
Ҳақамлик судларига 32 мингта мурожаат  
келиб тушган.

2007 йил 1 январдан қучга кирган “Ҳа-  
қамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон  
Республикасининг Қонуни демократик  
ислохотлар йўлидан бораётган мустақил  
давлатимиз аҳолиси учун кенг имконият-  
лар эшигини очиб берди. Ҳақамлик суди  
нодавлат суд тизими бўлиб, унинг асосий  
вазифаси фуқаролар ва тадбиркорларга  
ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва  
эркинликларини химоя қилишдан иборат.

Фуқароларнинг, айниқса, тадбиркорлик  
субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий ва  
иқтисодий низоларини кўрадиган Ҳақамлик  
судлари шуниси билан афзалки, бундай  
судларда низолар тезкорлик билан кўриб  
чиқилади. Нафақат ҳуқуқшунослар, адво-  
катлар, балки халқ ҳўжалигининг бошқа  
соҳаларида ҳаётий тажрибага эга мутахас-  
сислар ҳам Ҳақамлик судининг судьяси бў-  
лиши мумкин. Ҳақамлик судининг судьяси  
низоини кўриб чиқишда маҳоратли бўлиши  
зарур, албатта. Сабаби, низолар бир марта  
кўрилади ва иш процессуал жиҳатдан қонун-  
ий қўрилган тақдирда, суднинг ҳуқуқсози  
ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолади.  
Асосий мақсад — тарафларни қелишувга  
йўналтириш ҳамда тарафлар ўртасидаги  
ҳамкорликни сақлаб қолишдир. Ҳақамлик  
судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган  
қундан бошлаб қучга қиради. Иқтисодий  
судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлар  
Ҳақамлик суди аниқланган ҳолатларни тек-  
ширишга ёки Ҳақамлик судининг ҳал қилув  
қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга  
ҳақли эмас.

Шундан сўнг тарих фанлари доктори,  
профессор Илхомжон Бекмирзаев “Ўз-  
бекистонда Ҳақамлик судлари тарихи”  
мавзусида Маъруза қилиб, аслида бундай  
судлар дастлаб Ғарбда эмас, Шарқда пайдо  
бўлганини алоҳида таъкидлаб, тарихий да-  
лиллари билан тushунтириб берди. Ҳақамлик  
судларининг тарихи давлатимиз тарихининг  
чўқур илдизларига бориб тақалиши,  
тарихда одамлар ўртасида келиб чиққан  
низоларни қозилар билан бир қаторда улар  
томонидан тақдим этилган махсус муҳрга  
эга бўлган ҳақам қозилар кўриб чиқганини  
тарихий мисоллар билан гапириб берди.

Конференцияда Ўзбекистон Ҳақамлик  
судлари ассоциациясининг фахрий аъзоси,

юридик фанлар номзоди Эркин Абзалов  
“Ҳақамлик судлари фаолияти билан боғлиқ  
қонунчилик талаблари”, адвокатлик бюроси  
адвокати Аъзам Жўраев “Молия ва бошқа  
қатламларда арбитраж” мавзуларида, Ўз-  
бекистон Ҳақамлик судлари ассоциацияси  
раисининг биринчи ўринбосари, тарих фан-  
лари доктори, профессор Лола Бабаджанова  
эса, миллий қонунчилигимизда Ҳақамлик  
судларига эътибор ҳақида гапирган бўлса,  
Тошкент давлат Юридик университетининг  
Бизнес ҳуқуқи кафедраси доценти Лилия  
Ачилова “Низоларни ҳал этишининг мубоиб  
механизмлари АКШ, Европа Иттифоқи ва  
XXР мисолида” мавзусида маъруза қилди.

Маърузачилар таъкидлаганидек, бугун  
Ҳақамлик судлари фаолияти билан аҳоли-  
ни яқиндан таништириб бориш зарурати  
туғилмоқда. Шу боис, халқаро грантлар  
маблағлари ҳисобидан худудлар кесимида  
ўқув курслари ташкил қилиниб, ҳақамлик  
судлари фаолиятини янада кенгайтириш  
бўйича режалар ишлар олиб бориламоқда.  
Буни биргина Қўқон шаҳри мисолида  
кўриш мумкин. Қўқон шаҳри худудида-  
ги ҳар бир маҳаллада аҳоли билан очик  
мулоқотлар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар,  
айниқса, тадбиркорлар учун қизиқарли  
ва фойдали бўлмоқда. Буни уларнинг кўпчили-  
ги ҳуқуқий билимларини ошириш мақса-  
дида Ҳақамлик судлари ассоциациясининг  
ўқув курсларида ўқиш истагини билдираёт-  
ганида ҳам кўриш мумкин.

Конференцияда таъкидланганидек,  
Ҳақамлик суди келажак суди, тараққиёт  
судидир! Демократик давлатда фуқаролар,  
юридик шахслар учун ҳам танлов эркин  
бўлиши керак. Шундагина ривожланиш  
бўлади. Ўртимизда ҳам кейинги йилларда  
Ҳақамлик судларига талаб ортиб бор-  
моқда. Ҳақамлик судларида ишни кўришда  
ҳозирда медиациядан унумли фойдаланил-  
моқда. Мутахассислар айнан медиаторликка  
ўқитилди, малака оширишди. Низоларни  
кўришда биринчи навбатда тарафларнинг  
муросага келтириш, қелишувга олиб келиш  
муҳим саналади. 2020 йилда Ҳақамлик суд-  
лари томонидан 27 фоз ишлар шу тартибда  
кўриб чиқилди. Амалийот шунини кўрсат-  
моқдаки, низоларни судга ҳал қилиш,  
яъни медиация ҳар икки томон учун ҳам  
фойдали. Ҳақамлик судининг судьяси ўз ва-  
колатидан келиб чиқиб иш кўради, албатта.  
У чиқарган қарор ҳал қилувчи аҳамиятга  
эга. Лекин бундай судларда меҳнат низо-  
лари, никоҳ ва оила муносабатлари, мерос  
масалаларига оид низолар кўрилмаганини  
ҳар бир янги иш бошлаётган судья яхши  
билиб олиши зарур.

Конференцияда соҳа фойдалилари ўзаро  
фикр алмашиб, иш тажрибалари билан ўр-  
тоқлашилди. Таъкидланганидек, Ҳақамлик  
судларининг таъкидлаш ва давлат ривожидеги  
аҳамияти катта. Ҳақамлик суди ҳар бир  
демократик давлат тараққиёти учун жуда  
зарур фуқаролик жамияти институтидир.  
Жамиятда низолар қанча кам бўлса, шу  
давлатда ривожланиш бўлади, албатта.

Ўз мухбиримиз



## Қурбон бўлган ЎСМИРЛИК

Бу қотиллик 2019 йилнинг баҳор ойида Қамаш туманидаги "Баландчайла" қишлоғида мактаб ўқувчиси Н.Ҳотамов томонидан содир этилган. Бу фожиа одамлар ўртасидан меҳр-қариндошликнинг қадр-қиммати, хурмати йўқолаётганлигидан, ёшлар ўртасидаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг носўғломлигидан, ёшларнинг жаҳолат тўрига ўрналиб қолганидан далолатдир.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанцияси очик суд мажлисида жиноят ишлари бўйича Қамаш туман судининг 2019 йил 9 сентябрдаги ҳукмига асосан жазони ўтаётган вояга етмаган Н.Ҳотамовнинг ана шу жиноят иши кассация тартибида кўриб чиқилди.

Н.Ҳотамов 2019 йил 26 март кунини тумандаги Қамаш қишлоқ ҳужалиги касб-хунар коллежига қарашли тажриба экин майдонида

2003 йил 4 мартда туғилган ўз қариндоши Ш.Одилов билан навбат-навбат чорва молларини боқиб масаласида ўзаро тортишиб қолади. Бу оддий жанжал ўз тенгдоши, ўз жондошини ўлдириш даражасига чадори етади. Бўйиндан бўғиб оқибатида унга етказилган оғир жароҳат туфайли Ш.Одилов вафот этади.

Қасддан одам ўлдиришдан қўрқмаган нобокор қариндош қилган жиноятини яшириш мақсадида

марҳумнинг мурдасини сураб, экин майдони ёнидаги ариқ ичига ташлаб, устидан туپроқ билан кўмиб юборади. Аммо ҳуқуқ тартибот идораларининг савий-ҳаракатлари туфайли бу жиноят изи топилди, қотилнинг сирини очилади. Унга инсонийликдан йироқ бу ёвузлиги учун Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Аммо кейинги пайтларда жиноятнинг асл сабабларини таҳлил қилиш, бу қоронғу кўчалардан ёшларни қандай қилиб олиб чиқиш, тарбиялаш ўрнига, жиноятчиларни ижобий таъсирномалар билан тезроқ "оқлаш" ҳаракатида бўламан. Худди шундай Н.Ҳотамовнинг химоччи-адвокати ҳам судга ёзган шикоятда вояга етмаган ўсмирнинг айбига иқрор ва пушаймонлиги, туман ҳокимлиги, ёшлар иттифоқи ва яшаш жойидан ижобий таъсирлангани, вояга етмаганлигини эътиборга олиб, Жиноят кодексининг 85, 86-моддаларига асосан шартли жазога алмаштиришни сўраган.

Кассация инстанцияси суди эса бу масалага жиддий ёндашиб, бу хавфли "химочлар"ни рад этиб, биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгартириш қилишнинг лозим топи.

Чунки вояга етмаган Ш.Ҳотамовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилганликдаги айби, унинг айбига иқрорлик билдирган кўрсатмаларидан ташқари, марҳумнинг қонуний вақли ва гувоҳларнинг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судидаги кўрсатмалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тўғрисидаги баённома ва фототасвирлар, суд-тибиёт, биология,

криминалистика ва психиатрия экспертизаларининг ҳулосалари, тушунтириш хатлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ҳужжатлар ва далиллар билан ўз исботини тўғри топган.

Биринчи инстанция судининг ҳукмида ифодаланган барча ҳулосалар асосли, иш бўйича исботлангани лозим бўлган барча ҳолатлар сичқовлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолсона текширилган ҳамда унинг жиноий ҳаракатлари тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди, вояга етмаган Н.Ҳотамовга жазо тайинлашда, ишдаги барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, Жиноят кодексининг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қароридан берилган тушунтиришларини, туман ҳокими, ёшлар иттифоқи ва яшаш жойидан берилган қафолат хатларини, марҳумнинг қонуний вақлининг қонуний чора кўриш ҳақидаги фикрини эътиборга олиб, қилмишига яраша жазо тайинлаб, асосли ҳулосага келган.

Зеро, Конституцияимизнинг 24-моддасига мувофиқ, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Қонунда, қасдан одам ўлдириш жинояти инсон ҳаётига қарши қартилган энг хавфли жиноятлар тоифасига киритилган.

Бундай жиноятчига нисбатан шартли жазо белгилаш, унга енгиллик бериш ҳақидаги вақларни асосли деб бўлмади. "Жиноят ишлари бўйича Қамаш туман судининг 2019 йил 9 сентябрдаги вояга етма-

ган Н.Ҳотамовга нисбатан ҳукми ўзгартириш, кассация шикоятни қаноатлантириш қилинган!" Бу кассация инстанцияси судининг қатъий қарори.

Ва бу энг тўғри қарор. Чунки бундай жиноятни кечириб ёки енгилроқ жазога алмаштириб бўлмайди. Жазо бермаслик жиноятга қатта рағбатдир. Бир жиноят иккинчисига йўл очилиши мумкин. Шу ўринда айни билим оладиган, мустикал ҳаётга қадам қўядиган, оқу қорани танийдиган ёшдаги бу қўли қон ўсмирнинг ота-онаси борми, деган ҳақли савол туғилади. Агар бор бўлса, нега уни шундай ёвуз ва ваҳший қилиб ўстиргани учун жавоб берсин. Чунки ота-она ўз фарзандининг қилмиши учун жавобгардир. Айниқса, бундай қотилликни шунчаки жазосини олди-ку, деган таскин ва талкин билан қолдириб бўлмайди. Ҳам бергунҳ йигитнинг умрига зомин бўлган, ҳам ўз умрини хазон қилган бу йигитдан келажакда нимани ҳам куттиш мумкин? Унинг бу қилмишини бутун кечирас, эртага унинг бошқа бир жиноятга қўл урмаслигига қим қафолат бера олади? Жамиятимизга ўғри, қисасавур, қўли қон, қалби жаҳолатга тўла бўлган бешафқат ёшлар эмас, билими ва одоли, Ва-тан учун жонини ҳам аямайдиган, ёшонлик кўчасига қирмайди, яхшиликни ўзига шир қилиб олган маънавиятли, маърифатли, энг муҳими, виждонли, меҳр-шафқатли ёшлар керак!

Шахзод БАХТИЁРОВ,  
Қашқадарё вилоят суди судьяси,  
Маруза ҲОСИЛОВА,  
"Инсон ва қону" муҳбири



## Банкдаги "уддабурон"

— Мана бу ҳужжатларни тайёрлаб келасиз, — дейди банк ходими тегишли ҳужжатлар рўйхатини унга беради.

Шундан сўнг Шохсанам опа айтилган ҳужжатларни тўплаб, банкка — Жавоҳирга тақдим қилади. Унинг оладиган кредитига опаси Гулхуморхон Назарова қафиллик беради.

— Бу ҳужжатларни Тошкентга — банкнинг республика бошқарувига юборамиз. У ерда кредит комиссияси кўриб чиқиб, ўз ҳулосасини беради. Шунга қараб сизга кредит ажратилади. Кейин ўзим хабар бераман, — деб тушунтиради бош мутахассис.

Аммо орадан кўп ўтмай, Ж.Худойберганов мижозга кўнгирак қилади.

— Опа, пандемия туфайли ҳозир кредит

БЕШАРИҚ туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ш.Жуманова 2020 йилнинг март ойида 22 миллион 300 минг сўмлик маиший техника буюмларини харид қилиш мақсадида истеъмол кредити олиш юзасидан ТИФ "Миллий банк"нинг туман филиалига мурожаат қилади. Филиал бошқарувчиси эса унинг аризасини "Жисмоний шахсларни кредитлаш шубҳаси" бош мутахассиси Ж.Худойберганов (исм-шарифлари ўзгартирилган)га топширади. Шу сабаб Ш.Жуманова Ж.Худойберганов билан танишиб қолади.

Бериш вақтинча тўхтатилади. Шунинг учун энди сабр қилиб турасиз. Янгилик бўлиб қолса, сиз билан хабарлашамиз, — дейди у.

Шу тариха орадан 3 ой вақт ўтиб, ёз чилласи, саратон яқинлашади. Бирок Ш.Жуманова ҳали ҳам истеъмол кредитидан умидини узмаганди. Бинобарин, аёл яна банкка мурожаат қилади.

— Яна кредит ажратиш бошланди, опажон. Фақат тегишли ҳужжатларни янгидан тайёрлаб келасиз, — дея мижозни хурсанд қилади Жавоҳир.

Бу гапни эшитиб, кўнгли кўтарилган Шохсанам эса икки-уч кун ичида айтилган ҳужжатларни йиғиб, келтириб беради. Натигада унга 22 миллион 250 минг сўм кредит ажратилади. Бунинг эвазига мижоз маиший

техникалар харид қилиб, сингласига тўхфа этади. Лекин...

Лекин 2020 йилнинг куз ойларида банкка тўлов қилиш учун борган сингласи қутилмаган гап топиб келади.

— Сизнинг номингизда бошқа кредит ҳам бор экан, банкдагилар айтишди.

Бу хабарни эшитиб, хайрон қолади Шохсанам.

— Тушунмадим, қанақасига?

— Билмадим, менга шундай дейишди, — деб елка қисади сингил.

Буни қарангки, Ш.Жуманова суриштириб билса, ҳақиқатан ҳам унинг 2020 йил март ойида берган аризаси қаноатлантирилиб, 22 миллион 300 минг сўм миқдорда истеъмол кредити ажратилгани, аммо ўша маблағни Ж.Худойберганов олиб, шахсий эҳтиёжлари учун шилатиб юборганлиги аён бўлади.

Шунда қилғилиқни қилиб қўйган айбдор кредит қарздорлигини ўзи тўлаб қўйишини айтиб, уни тинчлантиради.

Шу ўринда таъкиллаш лозимки, ҳар йилнинг охирида банклар томонидан кредитдан қарзи бўлган мижозларга оғохлантириш юзориблиб, қарздорлиқни бартараф этишлари эслатилади. Тилга олинган банк филиалида ҳам шундай иш тутилади. Яъни, қарздор мижозларга расмий оғохлантириш хати юборилади. Аммо шундан кейин филиал бошқарувчиси Улуғбек Бегматовнинг эшитгани худди Шохсанам Жуманова сингари жабрланган яна 6 нафар фуқаро тақиллатиб келади. Яъни, улар ўз номларида чиққан кредитларини олишмагани, ҳатто кредит ажратилганидан умуман беҳабар эканликларини айтиб, эъти-

роз билдиришади. Пировардида У.Бегматов мазкур ҳолатни апрофилача ўрганиб чиқади. Шунда Жавоҳир Худойберганов кредит ҳужжатларини сохталаштириш орқали фуқаро С.Абдуллаев номига 22 миллион 125 минг сўм, Б.Эгамов номига 20 миллион 895 минг сўм, Ш.Жуманова номига 22 миллион 300 минг сўм, Х.Мадумаров номига 22 миллион 255 минг сўм, 3.Норқўзиев номига 22 миллион 300 минг сўм, Э.Ёқубов номига 22 миллион 250 минг сўм ҳамда 3.Қаландаров номига 22 миллион 300 минг сўм жами 154 миллион 425 минг сўм миқдордаги истеъмол кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланади. Яъни, ажратилган кредит маблағларини "Сартол Савдо Сервис" ва "Бешарик нью лайф" масулуятли чекланган жамиятлари ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Сўнгра ана шу жамиятлардан олинган буюмларни сотиб, пулни жигдилонига уради. Бинобарин, филиал бошқарувчиси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради. Қоғизда Фарғона вилоят прокуратураси томонидан бош мутахассисга нисбатан жиноят иши қўғатилади. Мазкур ишни кўриб чиққан суд ишлари бўйича Бешарик туман суди эса айбдорни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, қонуний жазога маҳкум этади.

Фурқатжон СОБИРОВ,  
жиноят ишлари бўйича  
Бешарик туман суди раиси,  
Хуршид СУЛТОНОВ,  
"Инсон ва қону" муҳбири

## ЭЪЛОНЛАР

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Олимов Бекмирза Тухтапулатовичга адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган NA 000154-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига асосан тугатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 18 октябрдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Ихтиёр Комиллович Ҳимоясида" адвокатлик бюроси адвокати Шоназоров Ихтиёр Комилловичга 2018 йил 28 декабрда адлия бошқармаси томонидан берилган KS 000056-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми адвокатлик фаолияти билан

бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга тайинланган иш даврига қадар тўхтатилади.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 152-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 20 октябрдаги 12-сон йиғилиш қарорига асосан Чироқчи туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Санаев Киёмид-

дин Тухтаевичга (лицензия KS 0014, 2020 йил 24 апрель) адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2 ой муддатга, яъни 2021 йилнинг 21 октябры кундан 2021 йилнинг 21 декабры кунига қадар тўхтатилади.

Адвокатлар палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил

9 октябрдаги қарорига асосан адлия бошқармасининг 2021 йил 18 октябрдаги буйруғига асосан адвокат Шодманова Лолага 2018 йил 28 декабрда берилган адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи KS 000071-реестр рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 6 ой муддатга яъни, 2021 йил 9 октябры кундан 2022 йил 9 апрель кунига қадар тўхтатилади.

ТИББИЙ КЎРИҚДАН БЕПУЛ ЎТИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИ БУНГА

## ҚАНЧА ПУЛ САРФЛАГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛИШДИ

ТОШКЕНТ шаҳар адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 3-чорагида давлат органлари фаолиятида, уларнинг иш фаолиятига арашамаган ҳолда, 4 та йўналишда:

- ҳақ таълими тизимида хизмат қилаётган ходимларни мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш;
- иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш;
- ишчи-ҳодимларга бўнакни (аванс) ўз муддатида тўлаш;
- ишсиз деб эътироф этилган шахсларга ишсизлик нафақасини вақтида тўлаб бериш амалиёти ўрганиб чиқилди.

Ушбу йўналишлар бўйича 546 та давлат ташкилотига амалга оширилган таҳлиллар натижасига кўра 433 та тақдимнома, 44 нафар мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тақлиф, 420 та оғохнома киритилди.

Жумладан, пойтахтдаги 320 та умумтаълим мактабига ўрганишлар чоғида, ходимларни мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш жараёни белгиланган шаклда ташкил этилмаганлиги ва бюджетдан молиялаштириш учун зарур чоралар қўрилмаганлиги натижасида Меҳнат кодексининг 214-моддасига

зид равишда ходимлар ўз ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтганлиги аниқланди.

Хусусан, ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом талабига зид равишда иш берувчи ҳудудий санитария-эпидемиология органлари ва қасаба уюшмаси кўмитаси билан биргаликда ҳар календар йилнинг

1 декабригача ташкилотдаги тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим бўйича контингентини аниқлаш ва бу ҳақда белгиланган шаклда долатнома тузмаслик, шунингдек, иш берувчи тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим контингентидан келиб чиқиб ҳудудий санитария-эпидемиология органлари ва ташкилотнинг қасаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатини тузмаслик ва тиббий кўриқни ўтказувчи довлалаш-профилактика муассасасига тақдим этмаслик билан боғлиқ 19 миң 809 та қонунбузилиш ҳолатлари йўл қўйилган.

Қонунбузилишларнинг аксарият қисми Шайхонтоҳур, Чилонзор, Учтепа, Яшнобод, Олмазор ва Юнусобод туманларида аниқланган.

Меҳнат қонунчилигига кўра, тиббий кўриқдан ўтилиш муносабати билан ходимлар чикимдор бўлмаслиги белгиланган бўлса-да, ходимлар ўз ҳисобидан мажбурий тиббий кўриқдан ўтганлиги, 2020-2021 йилларда жами 2 миң 613 та шу каби ҳолатлар мавжудлиги аниқланди.

Бектемир туманидаги 289-сонли умумтаълим мактабига фаолият юритувчи ходимлар 2020-2021 ўқув йилида эркаклар — 107 миң сўмдан, аёллар — 151 миң сўмдан, 290-сонли умумтаълим мактабига фаолият юритувчи ходимлар томонидан 2019-2020 ўқув йилида 101 миң сўмдан, 2020-2021 ўқув йилида 133 миң сўмдан маблаг сарфлашганлигини билдиришди.

Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 271 та тақдимнома, айбдор мансабдор шахсларни амалдаги МЖТКнинг 49-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 15 та тақлиф, 320 та оғохнома киритилди.

Шаҳардаги айрим давлат ташкилотларида 2021 йилнинг турли давларида ишчи-ҳодимларга қарийб 1,9 миллиард сўмлик бўнак (аванс) ўз муддатида тўланмаган. Хусусан, Янгихаёт туман халқ

таълими, Фанлар академияси Ядро физикаси институти, В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган академик лицей, Р.Глиэр номидаги ихтисослаштирилган мусика академик лицейига бўнак пуллари белгиланган муддатларда тўланмаган.

Худди шу каби қонунбузилиш ҳолатларига Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Камолитдин Бехоз номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, Янгихаёт туман ободонлаштириш бошқармаси, Яқсақураш спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби, Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси, Вирусология илмий текшириш институти клиникаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институти ва Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими фаолиятида ҳам йўл қўйилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан 14 та тақдимнома ва келгусида шу каби қонунбузилишларнинг олдини олишга қаратилган 50 та оғохнома киритилди. Бундан ташқари, адлия



Акбар АБРАЕВ,  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

органларнинг тақлифига кўра, 14 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Таҳлилларга кўра, сўнгги уч ой мобайнида Тошкент шаҳрида 342 нафар фуқаро ишсиз деб эътироф этилган. Аммо Яшнобод, Миробод, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Учтепа ва Яқсақарой туманларида 283 нафар фуқарога ишсизлик нафақалари тўланмаган.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 7 та тақдимнома киритилиб, ишсиз деб эътироф этилган фуқароларга 293 миллион 60 миң 800 сўмлик маблаг тўлаб берилишига эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлиллар қонунбузилиш ҳолатларига кескин чоралар кўриш зарурлигини тақозо этмоқда.

САМАРҚАНД вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ тadbиркорларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг миннатдорчилик мактуби ҳамда мукофотларни топширар экан, улар орасида турган жуссаси кичик бўлса-да, ғайрат-шижоати кўзида акс этиб турган кишлоқ аёли — Каттақўрғон туманидаги “Mansurbek qo'rg'on busnes” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Гулмира Жумаевани “Энг яхши тadbиркор” дея эътироф этди. Олмигина кийинган, камтар бир сингилмизга бундай юксак баҳо берилиши эътиборимни тортганди ўшанда.

Байрам тadbиридан кейин у билан суҳбатлашиб, йўлга қўйган тadbиркорлик фаолияти билан танишишга кизиқиб қолганимни айтдим. Tadbirkor тақлифимни мамнуният билан қабул қилди. Мен Гулмира бошқараётган корхона туман марказида деб ўйлагандим. Янглишибман, “Mansurbek qo'rg'on busnes” МЧЖ Каттақўрғон туманининг дашт ҳудудида жойлашган экан. Бордим, учрашдик. Шу куни у бошқараётган корхона фаолияти билан яқиндан танишдим, ишчилар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Болалигимдан отам Тожи Чориев тadbиркорлик билан шугулланади. Россия Федерациясининг бир қатор шаҳарларидан турли эҳтиёт қисмлар олиб келиб сотади, — деб гап бошлади Гулмира корxonани айланар эканмиз. — Оилада беш фарзандимиз. Тўнгичи — мен. Мактабни битирганимдан кейин отам билан бирга ишлаб бошладим. Оз бўлса ҳам тadbиркорлик сирларини

### Орамиздаги одамлар

## ДАШТДАГИ БОҒ



### “Энг яхши тadbиркор” Гулмира Жумаеванинг ибратли ғояси

ўргандим. Яхши ниятларим кўп эди дилда. Чикиндиларни қайта ишлаш корxonасига ишга кириб, яроқсиз полиэтилен, пластмасса махсулотларидан янги буюмлар ишлаб чиқаришни пухта ўргандим. Кейин кишлоғимизга қайтиб келиб, акциядорлик тижорат “Кишлоқ қурилиш банк”нинг Каттақўрғон филиалидан 150 миң АҚШ доллари миқдоринда кредит олдим. Кредит маблагини ҳисобига Хитойдан 4 дона “Howo” русумли чикинди ташиш автомаши-

наси харид қилдик. Ишни Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон туманининг кишлоқлари, маҳаллаларидан чикиндиларни йиғиндан бошладик. Кейинчалик яна банкнинг молиявий кўмаги билан чикиндиларни қайта ишлаш цехини ташкил қилдик. Корхона тўла қувват билан ишлашини таъминлаш мақсадида ноанъанавий иш тутдик. Нуробод, Қўшработ туманларидан 60 бош от билан эшак сотиб олдик. Улар учун

60 та арава ясагандик. Уйма-уй тиланчилик қилиб юрадиган лўллиларга бир йил муддатга ижарага бериб, ён атрофдаги туманлар, кишлоқлар, шаҳарчалардаги хонадонлару кўчалардан пластмасса ва полиэтилен елим идишлар йиғиб келишни вазифа қилиб топширдик. Келтирилган чикиндилар учун хар куни нақд пулда ҳисоб-китоб қилдик. Натижанда 100 нафардан ортик лўллиларни доимий иш билан таъминладик. Шунга яраша ишимиз ҳам юришиб кетди.

Гулмира Жумаеванинг уddaбуронлиги сабаб чикиндилар қайта ишланиб, салкин ичимликлар идиши, турли ўлчамдаги елим халталар ишлаб чиқарила бошланган. Яқин кунларда тadbirkor кредит қарзини тўлиқ узди.

Лекин Гулмира бу билан чекланиб қолмади эмас! 2018 йилда банкдан ажратилган кредит ҳисобидан туманининг дашт ҳудудидаги 34 гектар майдонни обод қилишни ўйлаб, бу ерда интенсив ёнғокзор ташкил қилди. Унинг ғояси билан Туркиядан экспортбор ёнғок ниҳоллари олиб келинди. Бу йил ўша ниҳоллар мева берди. Хадемай ёнғоклар тўлиқ териб олинди, Эрон Ислום Республикасига экспорт қилинади.

Гулмира металл чикиндиларидан арматура ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган. Ҳозир арматуранинг ҳам бозори чаққон.

— Бу кизгининг отасига минг раҳмат, — дейди лўли миллилатига мансуб Гулбаҳор Норқулова ўз шевасида. — Тўғриси, бала-чака боқиш учун уйма-уй тиланчилик қилиб юрадик. Аҳо, ато-боболаримиз шундай қилганда охир.

Гулмира бизга иш берди. Яхшигина ойлик олоғимиз.

— Беш нафар фарзандим бор. Иш йўқлигидан мардикорлик қилардим. Бунинг устига ҳар куни иш чиқавермасди. Мана, энди бу ерда доимий ишлаяпман, — дея мамнунигини изҳор қилди корхонага яқин ҳудуддаги кишлоқда яшовчи Азизжон Расулов.

Tadbirkor Гулмира Жумаева улдабуронлиги, куч-ғайрати, ўзига хос ғоялари билан ўзи яшаётган туман ва вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, у оқиллик билан яратган янги иш ўринларидан халқ миннатдор. У аҳоли орасида камбағалликни қисқартиришга ҳам ўзининг салмоқли улушини қўшмоқда. Энг эътиборлиси, Гулмиранинг ибратли ишлари атроф-муҳит озодаллигига, ободлигига сабаб бўлмоқда.

Йилдоқ дашт бағрида боғ яратган, чикиндиларни қайта ишлаб, экологиянинг соғлиғига ҳисса қўшаётган, янги иш ўринлари очиб, янги ғоялар билан яшаётган, ён-атрофидагиларни ҳам ўзи каби улдабурон бўлишга ўргатаётган бу ғайратли аёлнинг ҳар бир иши савобли, таҳсинга лойиқ! Қойил сенга, Гулмира, дейсиз унинг тиришқоқлигига, ҳаракатчанлигига, улдабуронлигига ҳавас қилиб. Қанийди, ҳамма тadbirkorлар Гулмира Жумаевадек фидойиллик билан меҳнат қилиб, эзгу ишларга бош-қош бўлса.

Азим ҚОДИРОВ,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

**Инсон ва ҚОНУН**  
МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳудудий ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

1338 0030-7897

4720367281004

**Бош муҳаррир**  
Кўчор НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
кўпёзмалар тақрир  
қилинмади ва муаллифга  
қайтарилмади.

**Навбатчи**  
Гулбаҳор Ортиққўжаева

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уюнда чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.


Тиражи — 4000  
Бюролма — V-4901

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилиши — 19:30

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97  
Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5



(Ҳикоя)

Абдулла Қаҳҳор

Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамол яйдоқ дарахлар шоҳида чийиллайди, гувиллайди; томларда вишиллайди, ёпик эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади.

Бундай кечаларда одамзод кўймижоз гўж бўлиб ва ниманидир кутиб жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади.

Олимбек додхонинг саккиз хотини катта кундош Нодирмоҳбегимнинг уйига йиғилиб, сандал атрофида ўтиришар эди. Додхо ҳар кеча таровех намозидан кейин халкага қолар эди, бу кеча эрта қайтди. Ҳамма тўзиди: хотинлардан бири унинг салласини олди, бири чакмонига қўл узатди, бири маҳсинни тортгани чоғланди... Кундошларнинг энг кичиги — бу даргоҳга тушганига беш ойгина бўлган келинчақ — ганжиравонлик Унсини чилим солиб тутди. Додхо чилимини бир марта, лекин жуда қаттиқ тортиди-ю, ясов тортиб турган хотинларига эътибор қилмай, гўрга ўтди ва дарчани жиндақкина қия қилиб, бир кўзи билан ташкарига қаради. Шамол гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалга тушган мушукдай пхишлар, вағиллар, ҳеч нарса-ҳеч нарса кўринмас эди.

Додхо дарчани зичлаб ёпиб, жойига ўтириб тасбех ўтиришга киришди. Унинг бармоқлари тасбех доналарини тез-тез ўтказётган бўлса ҳам, қулоғи гувиллаётган шамолда, хаёли гўристонда эди: “Ҳозир гўристон қанақа ваҳимали бўлса экан...”

Ўзбек гўристони ўзи хунук, бунинг устига, гўристон ҳақида айтилмаган хунук гап, тўқилмаган ваҳимали миш-миш тўқилган эмас. Ҳақиқатан, бундай кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам, айниқса, додхо сингари пайғамбар ёшидан ошиб, қафаллигини сандикча солиб кўйган киши ўлишдан ҳам кўра гўристонда ётишини ўйлаганида тилигача совуқ тер чиқаради.

Додхо бошидан гўристон хаёлини чиқариб ташлаш учун тасбехини кўйиб ундан-бундан гапирган бўлди, лекин ҳеч ким бу гапларга гап уламади.

Шамол бир хурж қилганида ниманидир келтириб дарчага урди. У нарса дарчани тирмалаганича сидирлиб паства тушиб кетди. Ҳамма ўтирган ерида гўё бир қарич чўккандай бўлди ва тин олмай бир-бирига қаради. Додхо хотинларига, улардан ҳам кўра ўзига таскин бериш учун ўрнидан туриб дарчанинг бир томонини очди. Дарчадан қирган шамол осма чирқини липиллатди, тебратди. Додхо паства қаради ва суюниб кетгандай:

— Бўйра, бўйра экан! — деди ва дарчани яна зич ёпиб жойига ўтирди.

Бўйра одатда тобутга солинадиган бўлганидан, додхонинг кўз олдига одамларнинг елкасида лапанглаб кетаётган тобутни келтирди. Тобут эса яна гўристонга эслатди, гўристон ҳақида болалигидан қулоғида қолиб келган ваҳимали гапларни, ҳодисаларни жонлангитиб юборди. Додхо бу хаёлларни енгиз учун гўристон ваҳималаридан ўзи сўз очди ва икки оғиз гапининг бирини ўзининг довр-юраклигини хотинларига, улардан ҳам кўра ўзига писанди қила кетди.

Гапдан гап чиқиб, Нодирмоҳбегим бир везекани айтиб берди.

— Бола эдим. Раҳматли дадам гап ер эдилар. Бир мехмонхона йиғит... Мана шунақа шамол кечаси экан. “Ҳозир ким гўристонга бориб, Аскарпосотнинг гўрга пичоқ санчиб келади?” деган гап бўлипти. Шунда бир киши пичоғини кинидан сугуриб: “Мен санчиб келаман”, — дедди, битта кўйдан гаров болашиб йўлга тушипти. Журалари хали кутишар эмиш — йўқ, хали кутишар эмиш — йўқ; тонг олтпти, уйда ҳам йўқ эмиш; гўристонга бориб қарашса, Аскарпосотнинг гўри олдида ўлиб ётган эмиш! Бечора гўрга

пичоқ санчганида этагини кўшиб санчган экан, кайтай деса этагидан биров тортгандай бўлган-да...

Ҳаммининг эти живиллашиб кетди. Узок жимликдан кейин Унсин ёнида ўтирган кундошига шивирлаб:

— Ўлсин, нокас одам экан, битта кўйни деб... Кошки арзийдиган нарса бўлса!.. — деди.

Бу гапни додхо эшитиб қолди. Унинг нафсонияти кўзгади. Додходай одам гўристон деганда тиззаси калтираса, биров “оламага пошло қиламан” деган тақдирда ҳам бормаса, боролмаса-ю, бу киз муштдай боши билан, “арзийдиган нарса бўлса мен бораман” деса!

Додхо гаши келиб, Унсинни масҳара қилди:

— Оббо, тегирмончининг қизи!.. Битта кўйни назарлари илмайди! Нечта кўй бўлса арзир эди? Сен ўзинг ўнта кўй берсам, пичоқ санчиб келасанми? Юзта кўй, давлатимнинг ярмини берсам борасанми?

Унсини бозвантидаги тангаларни ўйнаб:

— Менга давлат керак эмас, давлат керак бўлса борар эдим, — деди.

Бу гап додхога тегиб кетди.

— Нима керак?

Унсин индамади. Додхонинг саволи жавобсиз қолиши мумкин эмас эди. Шунинг учун биттаси гуноҳ қилса, ҳаммаси баравар қалтақ ейдиган кундошлар Унсинни турткилашти:

— Жавоб берсанг-чи!

— Тилдан қолдингми?!

Ёнида ўтирган кундоши тирсаги билан бикинига икки-уч туртгандан кейин, Унсин бошини кўтариб, баало-казодай тикилиб турган додхога бир кўз ташлади-ю, яна бошини эгиб, лекин дадил жавоб берди:

— Жавоб берсангиз... Ганжиравонда кетсам... Битта гўрга битта пичоқ эмас, ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб келаман... — деди.

Унинг мақсадини кундошлар дарров фахмлашди. Лекин додхо бундай гапни сира кутмагани учун янглиш тушушди.

— Тагин нима қиласан Ганжиравонда, бориб келганинга икки ой ҳам бўлгани йўқ-ку!

Нодирмоҳбегим сандал ичидан оёғини узатиб Унсиннинг болдири-ни чимчилади, кўзи билан «хай-рият, тушунамади, бас, гапирма», деб ишора қилди. Бирок Унсин жонидан кечган кишининг шижоати билан додхога тик қаради.

— Йўқ, мен буткул кетсам дейман, жавобимни берсангиз дедимкиман.

Гапни айтган Унсини, бошқалар ўтирган жойида ерга қапишиб кетди. Бирок додхо, ҳаммининг кутганига қарши, қўлига камчи олиб Унсинни «касеринг кичиди»га солмади, аксинча, захарханда билан бўлса ҳам, мулойим гапирди:

— Шунақами?... Хўп, майли, айтганинг бўла қолсин, — деди ва бир оз ўйлаб туриб гингинганини яширолмай илова қилди: — Лекин гўристонга пичоқ эмас, кумгон олиб борасан. Онхазратим сағанаси

олдида кумгон қайнапти, битта чой дамлаб келсан, майлими?

— Майли, майли! — деди Унсин кўзлари жавдираб, — лекин лафзингиздан қайтмасангиз...

Додхонинг дами ичига тушиб кетди. Бир гадовачанинг бу даргоҳдан кетишга ошиқиши унга ҳақорат бўлиб тушди. Энди Унсинни тилаб олиш учун биров сўз айтишга ҳеч ким, ҳатто гўристондан унинг ўлиги келишига кўзи етиб, ичиди фарёд чекаётган Нодирмоҳбегим ҳам журъат қилолмай қолди.

Додхонинг оппоқ, узун соқоли, товуши титради.

— Хўп, лафзимдан қайтмайман, мана хотиржам бўла қол: мен ҳозир сени бир талоқ қўйим, қайтиб келганингдан кейин уч талоқсан! Бор, кумгонни кўтар!..

Унсин додхондан дарров юзини беркитганича чиқиб кетди. Нодирмоҳбегим, қўлидақ бошқа иш келмагандан кейин, ҳеч бўлмаса Унсиннинг юрагига қувват бўладиган бир-икки оғиз сўз айтиш мақсадида кетидан чикмоқчи бўлган эди, додхо хўмрайиб жойига ўтказиб қўйди. Кундошлар битта-битта оёқ учидан юриб чиқиб кетишди.

Унсин уйига кирди, паранжи-чимматини ёпибди, кумгонга сув тўлдириб, чойнакка чой солди-ю, жўнади. Кўр ойдни. Осмоннинг чеккаси сарин-қир увадага ўхшайди. Бу қир шўьла қўйидада паст-баланд уйлар, шамолда эгилаётган, тебранаётган дарахлар коп-қора кўринади. Пишқираётган шамол ҳар хурж қилганида Унсини тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди. Унсин паранжи-чимматини юмалоқлаб қўлига олганидан кейин йўл юриш осонроқ бўлди.

Унсин тўғрисида додхо нималар эшитган бўлса, Унсин ҳам шуни эшитган, шамол кечаси гўристон додхо хаёлида қандоқ даҳшатли бўлса, унинг хаёлида ҳам шундай даҳшатли, лекин шундоқ бўлса ҳам, тирикчи гўристони бўлган бу даргоҳнинг даҳшати олдида ўлиқлар гўристонининг даҳшати унгла даҳшат қўринмас, бундан ташқари, эртагаёқ Ганжиравонга жўнаш, ота-онасини, дугоналарини қўриш умиди унинг бошига бошқа ҳеч қандай фикр-хаёлини йўлатмас эди.

Унсин худди даласидан катта хайитлик олиб бозорбошига кетаётган ёш боладай топқиллаб, қаршидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан иргиллаб борар эди; бироқ гўристон кўчасига бурилиб, салобат билан тебранаётган коп-қора кекса чинор остида оқаришиб турган сағаналарни, белгисиз зулматни кўрганида юраги увинди-ю, зовур кўпригидан ўтиб, икки қалам қўйганича тўхтаб қолди. Даҳшат унинг юрагига раҳна солди: Ганжиравон, ота-онаси, дугоналари хаёлидан кўтарилиб, кўз олдига оппоқ кафанга ўралиб сағана ва гўрлар атрофида олиб юрган арвоқлар келди. Унинг эти живирлашиб, сочи бошидаги рўмолини бир қарич кўтаргандай бўлди. Унсин беихтиёр бир қадам орқага чекинди,

лекин шу ондаёқ худди ўликдан кўрмаслигини бировга писанди қилаётгандай, бақириб: “Ўликнинг жони йўқ! Ўликнинг жони йўқ!” — деб олға интилди, шу югурганича чинор остидаги Онхазратим сағанаси олдида тўхтади; чойнак билан кумгонни оёғи остига қўйди, паранжи-чимматни бир чеккага ташлади, ичиди: “Кўзи кетиб ози қолди”, деб суюнди. Бирок унинг суюнгани беҳуда эди: ҳамма нарсани олипти-ю, энг зарури — ўтин эсидан чиқитти! Ҳар сағанадан бир қўл, ҳар гўрдан бир товуш чиққини кутиб ўтин кидириш ваҳимаси унинг юрагига яна раҳна сола бошлади. Унсин ўзига ўзи бандан товуш билан яна: “Ўликнинг жони йўқ!” — деб, ҳозир дилига битта одамчалик қувват бўлаётган бу гапни оғзидан қўймай, сағана ва гўрларни оралаб ўтин кидирди; пайпаслаб, қўлига илинган нарсани этагига солди, қамиш синдириди, янтоқ, гиёҳ юлди, қўларни қонаб кетганини ҳам пайкамай, топган-тутганини келтириб ўт ёқди. Ўт чирсиллаб-чирсиллаб бирпасда гўрқиради, шамолда тўлғанаётган тутун аралаш аланганинг қизғин шўьласидан қоронғилик липиллаб, узок-яқинда дўплайиб турган гўрлар, худди биров тупроқни кўтариб чиқаётгандай ҳаракатга келди.

Унсин яна ўтин кидирди, лекин ҳар сафар ўтин қалаганида аланганинг гўрқираши, чирсиллаши мудраб ётган арвоқларни йўғотиб юборишидан кўрқандек, унинг устига ўзини ташлашгадуй бўлар эди.

Нихоят, кумгон қайнади. Унсин наридан-бери чой дамлади, қуруқ янтоқ ва қамишларга ўт кетмасин учун ўтни тепкилаб ўтирди; ўнг қўлида чойнак ва чап қўлида кумгон, ўтининг шўьласидан қўзи хануз қамашиб борар экан, бир жойда ер ўпирилиб, чап оёғи тақимиғача ботиб кетди ва оёғининг учини ошмоқ бир нарсага теккандай бўлди. Унсин боғи гапни дуодай тез-тез қайтариб, кўрқувни ўзига йўлатмаётган бўлса ҳам, қўнглига “Ўликнинг қорнимикин” деган гаплар келди-ю, юраги орзиқиб, оёғини дарров сугуриб олди ва чуқурда қолган бир пой қавушини олгани юрак қилолмай маҳсичан кетаверди. Унсин бир неча қадам босганидан кейин паранжи-чимматни сағананинг олдида қолганини эслаб тўхтади, лекин қайтиб боргани ботинолмади, ҳозир қайтиш эмас, қайрилиб қарагани ҳам юраги дов бермас, назарида ҳамма ўликлар сағаналардан, гўрлардан бошини чиқариб, кетидан қараб тургандай эди. Унсин нима қилишини билмай туриб қолди. Шу аснода каттагон бир сағананинг ичиданми, нарёғиданми аллақанака бир товуш эшитилди-ю, ҳаял ўтмай ниманидир келиб Унсиннинг елкасига миниб олди, афтидан, бўғмоқчи бўлиб қўл узатди. Унсин кўрагига ниҳоятда оғир бир нарсани билан урилгандай қўнгли озиб тентираб кетди-ю, йиқилмади, лекин оёқ узра туриб хушидан кетди; орадан қанча вақт ўтганини бидмади, кўзини

очиб қараса жонвор елкасидан тушипти, эмақлаб боғи сағананинг орқасига ўтиб кетди. Унсин кўрқувдан телба бир аҳволда бўлса ҳам фахмлади: маймун! Додхонинг маймуни! Маймуни додхонинг ўзи олиб келмагандир, бировдан бериб юборган! Дунёда додходай бераҳм одам яна бор эканми!

Унсин елкасига маймун минган дақиқалда нақадар кўрққан бўлса, ҳозир шу қадар тинчиди, хотиржам бўлди: демак, қандоқ бераҳм бўлса ҳам шу атрофда одам бор!

Унсин гўристондан чиқиб, катта йўлга тушиб олди, ярим йўлга борганида чап қўлига қаттиқ оғрик кирганини сезди. Оғрик қўмгонни эслатди. Чап қўлида кумгон бор эди, қани? Унсин бир тўхтади-ю, чойнакни иккала қўли билан бағрига босиб, дармони етгунча жадаллади. Тушида югургандай унинг йўли қўлаймас, икки оёғи гавдасидан кейинда қолар, қўлидаги чойнак тобора оғирлашиб борар эди.

Унсин Нодирмоҳбегимнинг оғир эшигини зўрга очди, остонадан ўтиб, бир неча қадам босганидан кейин қолдан тойиб чўққалади ва не машаққат билан интилиб, жўмрагидан чой оқиб булғанаётган чойнак-сандалнинг бир чеккасига қўйди, умрлик орузи ушалгандай, хорлиги чиқиб, ўзини ерга ташлади. Сандалда ўтириб пинака кетган додхо уйғониб ташланди, бошини кўтариб Унсинни кўрди-ю, “жон бераётгипти” деб ўйлади шекилли, қўзлари олайди, ундан қўзини олмай секин ўрнидан турди, худди ўлим хавфидан қочгандай, бир ириб сандалдан ошди-да, ўзини эшикка урди...

Унсин хушдан кетган экан, бир вақт кўзини очиб қараса, сандалнинг четиди қалқанча ётибди, тепасида Нодирмоҳбегим йиғлаб ўтирипти. Унинг ўнг қўзи мома-талок бўлиб шишиб кетган, оқ доқа рўмолининг у ер-бу ерига қон теккан экан. Унсин Нодирмоҳбегимга кўзи тушган замони ундан додхонинг лафзи лафмаси эканини сўрамоқчи бўлган эди, унинг аҳволини кўриб, эшитилар-эшитилмас:

— Сизга нима бўлди? — деди. Нодирмоҳбегим Унсиннинг ёш жонига раҳм қилишини, уни қайтаришини сўраб додхога ёлворганида додхо уни тутиб олиб хўп урган эди. Нодирмоҳбегим Унсиннинг саволига жавоб бермади, товуш чиқармай яна ҳам қаттиқроқ йиғлаб, унинг бошини силади, юзини юзига қўйди; сўнг, ўша чоғи одам юбориб гўристондан олдирган икки чимдид тупроқни ярим пилёла сувга қайиб Унсинга тутди.

— Ич, житарим, кўрққансан... Гўристонда кўрққанга гўристонинг тупроғи даво бўлади.

Унсин пилёладаги лойка сувни дарров ичди ва хийла енгил тортгандай бўлди.

— Мендан қайтмаса худодан қайтсин... Ота-онам боршимни харна эртароқ эшитса, харна эртароқ суюнса...

Нодирмоҳбегим яна қалтақланишдан ҳайқмай, Ганжиравонга бир хизматқорини юборди.

Бирок Унсин пешингача етмади — узилди.

Шом қоронғисидан унинг жасадини қизил кўрпага ўраб аравага солишди. Шамол ҳамон гувиллар, яйдоқ дарахларнинг шоҳида чийиллар, гувиллар эди.

Дарвозадан бошида паранжи ва қўлида оқ тутгунча Нодирмоҳбегим чиқди. У дарвозага юзини ўтириб чўнкайди, икки қўлини фотиҳага очиб, бир нималар деди. Додхонинг ўзи билан бирга бу даргоҳни ерининг қарьига юборгандай иккала муштунини уч марта ерга қадади; кейин “бу даргоҳни энди елкамининг чуқури кўрсин” дегандай бир ҳаракат билан кескин бурилиб аравага чиқди, марҳумнинг беш томонига ўтирди.

Арава жўнади, шаҳар кўрғонидан чиққанда кундузи Нодирмоҳбегим юборган хизматқор Ганжиравондан қайтиб келмоқда эди.